

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Австрия Республикасига амалий ташрифи яқунлари тўғрисида АХБОРОТ

Австрия Республикаси федерал Канцлери Франц Вранцикийнинг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 1992 йил 18—20 сентябрь кунлари Австрияга амалий ташриф буюрди.

18 сентябрь кuni Венада Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов Австрия Республикасининг федерал Канцлери Т. Клестиль билан учрашди. Икки раҳбар Ўзбекистон—Австрия муносабатлари ҳусусида ва иккала томонни қизиқтирувчи халқаро муаммолар юзасидан фикрлашди.

И. А. Каримов Австрия Республикасининг федерал Канцлери Ф. Вранцикий, Австрия Республикаси миллат мажлисининг раиси Х. Фишер билан учрашувлар ва музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вена ўлкаси ҳукуматининг бошлиғи — Вена шаҳрининг ҳокими, кўни Австрия ўлкаси ҳукуматининг бошлиғи — Дюрнштайн шаҳрининг ҳокими ҳамда Австрия савдо-саноат

доираларининг вакиллари билан ҳам учрашди. Ҳамма жойда у самимий ва шодона кутуб олди.

Ўзбекистон ва Австрия раҳбарларининг фикрича, Ўзбекистон—Австрия муносабатлари масалалари юзасидан ўтказилган фикрлашувлар жуда фойдали бўлди. Иккала томон олий даражадаги Ўзбекистон—Австрия учрашуви Ўзбекистон Республикаси билан Австрия Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг қарор топтиришининг муҳим босқичини бошлаб беради, деган яқдил бир фикрни айтишди. Бу эса иккала мамлакат халқларининг тўб манфаати ва оро-умидларига мусолада.

Иккала томон шунин билдиридики, Ўзбекистон Республикаси ва Австрия Республикаси давлатлараро алоқанинг ҳаммаболо қандайдир ахлитлигини ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ўзаро муносабатларини ривожлантираверадилар.

Австрия томони музокара-лар чоғида Ўзбекистон Республикасининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қонда-ларига содиқлигини ва маз-кур кенгашдаги иштирокини, Ўзбекистон халқларининг мустақиллигини мустақам-лаш, барқарорлигини сақлаб қол-иш ҳамда иқтисодий-иқ-тисодий тараққиётини жадал-лаштириш, ҳуқуқий халқлик-давлат барпо этиш учун зар-рур шарт-шароитларни таъ-минлаш муқоассини ва шу борадаги қатъият-ни қўллаб-қувватлашнинг ихор қилди.

Иккала давлатнинг раҳ-барлари марказий Европада-ги, МДХдаги ва Ўрта Осиё минтақасидаги вазиятни ат-рофича таҳлил этдилар. Югославиядаги, Кавказор-тидаги, Афғонистондаги ва Тожикистон Республикаси-даги воқеаларга алоҳида эътибор берилди. Томонлар мазкур минтақалардаги қу-рол-иш муқоассини сиёсий воясатлар билан баргараф этишга эришиш учун жаҳон ҳамжамияти вазминлик би-лан самарали чора-тадбирлар-ни қўллаш зарурлигини таъ-кидладилар, иқтисодий ту-

руҳлар ўртасида бундан бу-ёнги қарама-қаршилик ва адоватнинг анж олиши маз-кур минтақалар халқлари-нинг тақдирлари учун ол-дандан айтиб бўлмайдиган хатарли оқибатларга олиб-бориш хавфини тўғдиради, деган фикрга келдилар.

Томонлар икки томонла-ма муносабат масалалари ва ўзаро диққатга сазовор бўлган халқаро муаммолар юзасидан ахборот айирбош-лаш ҳамда фикрлашиб ту-риниш фойдали бўлади, деб ҳисоблайдилар. Улар бундан буён ҳам алоқа боғлаб ту-риш ҳамда дунёда ва унинг айрим минтақаларида бу-жудга келмаётган вазият ҳу-сусида нуқтани назарлари қа-қида ўз вақтида бир-бирла-ринга ахборот бериш тўғри-сида келишиб олдилар.

Савдо-саноат доиралари-нинг намояндалари билан самарали музокара-лар бў-либ ўтди. Бу музокара-лар-да иккала давлат ўртасида кенг миқёсда мол айирбош-лаш, халқ хўжалигининг устувор тармоқларида қўшма корхоналар барпо этиш, мо-лия, менежмент соҳаларида мутахассислар тайёрлаш ва

уларнинг малакасини оши-риш, профессор, муаллим-ларни бир-бирларига юбо-риб туриш ва сайру саяхат-ни ривожлантириш имкони-ятлари, аниқ шакллари ва йўналишлари муҳоама қи-линди.

Ташриф давомида Ўзе-кистон Республикаси билан Австрия Республикаси ўр-тасида сарфланган сармояни ўзаро ҳимоя қилиш тўғри-сидаги Шартнома дастлабки тарзда имзоланди.

Томонлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида икка-ла ҳуқуқат ўртасида битим, аниқ лойиҳаларни пул бил-дан таъминлаш ва улар учун қарз бериш тўғрисида-ги кафолатлар ҳақида би-тим ва ҳаво қатнови тўғри-сида битим тузиш юзасидан бошланган иш-ни давом эт-тириш ҳусусида келишиб олдилар.

Иккала томон икки мам-лакат раҳбарлари ўртасида-ги алоқа ва мулоқотга катта аҳамият бердилар ва бу ало-қа ҳамда мулоқотни бундан буён ҳам давом эттириш ниятидадилар.

Президент И. А. Кари-мов Австрия Республикаси-нинг федерал Президентини Т. Клестиль ва федерал Канц-лер Ф. Вранцикийга Ўзе-кистон Республикасига рас-мий ташриф буюриш тўғри-сида тақлимнома топширди. Австрия томони тақли-номани миннатдорлик билан қабул этди. Ташрифларнинг вақти дипломатия йўли ор-қали кейинчалик келишиб ол-инди.

Вена, 1992 йил 20 сентябрь.

ҲАМКОРЛИКНИНГ АЛП УФҚЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ЯҚУНЛАРИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов-нинг Австрия Республика-сига уч кунлик амалий та-шрифи дақиқаларига ҳи-соблаб қўйилган эди. Бу ташриф самарали ва го-ят қизиқарли ўтди ва 20 сен-тябрь кунини тугатди. Ҳозир ишонч билан айтиш мумкин-ки, Ўрта Осиёдаги ёш мус-тақил республиканинг Гар-бий Европада янги ишонч-ли ҳамкори пайдо бўлди.

Маълумки, Ислон Кари-мов номига хорижий мам-лакатларга ташриф буюриш тўғрисидаги тақлифлар тез-тез келиб турибди. Шунга қарамай, шу сентябрь ку-нларида Австрияга бориш негиз афзал қўйилди?

Биринчи навбатда Ав-стрия бой маданий меросга эга бўлган мамлакат сифа-тидагина эмас, шу билан бирга тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничиликнинг доимий тарафдори бўлган мамлакат сифатида халқаро майдонда катта оро-қозон-ган. Айтиш шартки ҳозир Ўзбекистон таққи сиё-сатининг асосини ташкил-этади. Европанинг мар-казида жойлашган бу мамла-катнинг тақрибаси биз учун фойдали бўлиши, шуб-ҳасиздир.

Вена — Швехат аэро-портида Ўзбекистон деле-гациясининг таштали Кун-ти олингани, Ислон Кари-мовнинг Австрия Рес-публикасининг федерал Канцлери Ф. Вранцикий ва федерал Президент Т. Клестиль билан ошқора, дўсто-на суҳбатлари шу мамла-кат сиёсат ва савдо-саноат доираларининг мустақил Ўзбекистонга зўр қизиқиш билан қараётганидан дало-лат беради.

Ўзбекистон Президентини Альп Республикаси раҳба-рияти билан учрашув чо-ғида икки томонлама, ўзаро манфаатли муносабатлар-нинг қўшма масалалари-га тўхталиб ўтганини таъ-кидлаш зарур. Австрия сар-мояларини жалб этишдан, саноат ва қишлоқ хўжали-кини қўллаб-қувватлашнинг илгўр технологияларини қўлла-нишдан Ўзбекистон ман-фаатдор эканлигини таъкид-лаш ўтди. Бу Ўзбекистон илтимосига айланиб қолди, деган гап эмас. Ёш республика ҳукумати Ав-стрия фирмалари ва компа-нияларининг салмоқли кре-дитларига кафолат беради.

Бундан ташқари хорижа-ги йилдан йилга борида махсус захира жамғармаси барпо этилмоқдаки, бу Гар-бдаги бизнинг иқтисодий-иқ-тисодий малаба сарфламоқчи бўлаётган ишбилармонлар-нинг манфаатдорлигини оши-ради, албатта.

Яна бир муҳим жиҳати, Австрия Республикасининг федерал Канцлери Франц Вранцикий Ўрта Осиё ми-н-тақасида юз бераётган во-қеаларни диққат билан ку-затиб бормоқда. У ҳозирги вақтда Ўзбекистонга ҳаёт меъёрига айланиб қолган сиёсий ва иқтисодий бар-қарорлигини таъминлашда Ислон Каримовнинг тутан ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтди. У миллатлараро мо-жароларнинг олдини олиш-да Республика раҳбарининг тинчлик ўрнатишга қара-тилган фаолиятига юқори баҳо берди.

Юқори мансабли меҳмон-га бундай муносабат икки томонлама музокара-ларга ҳам таъсир қилмай қолма-ди. Австрия Ўзбекистонга юз минг тонна гўшт ва 300 минг тонна сут маҳсулот-лари етказиб беришдан ташқари, Ўзбекистоннинг қайта ишлаш саноатига, қўшма корхоналарнинг кенг тармоғини барпо этишга катта сармоя сарфлашга ҳам тайёрдир. Ўзбекистон раҳ-барининг бозор иқтисодиё-ти, менежмент, маркетинг соҳасидаги Австриянинг етакчи профессорлари ва муаллимларини Ўзбеки-стонга юбориш тўғрисидаги тақлифини федерал Канц-лер самимий қўллаб-қув-ватлади. Бундан ташқари Ўзбекистонлик ёшлар Ав-стриядаги энг яхши олий ўқув юртларида таълим олишлари мумкинлиги ай-тилди.

Тўла ҳамжиҳатлик ва манфаатларнинг муштарак-лиги ташрифнинг бош мавзун ана шундай. Таш-рифнинг катта қисмини Ислон Каримов Австрия тақ-рибасини ўрганишга, банк эгалари ва ишбилармонлар билан учрашувга бағишла-ди.

И. А. Каримов Австрия Республикасидаги етакчи фирмалар, концернлар ва банкларнинг раҳбарлари ҳу-зурида сўзга чиқиб, бо-зор муносабатларига ўтиш-да Ўзбекистон раҳбарияти тутган йўлни аниқ баён қилиб берди.

Ислон Каримов Ўрта Осиёдаги энг қудратли рес-публикалардан биридаги иқтисодий-иқтисодий вазият-ни қисқача таъсирлаб, савдо ва биргаликда ишла-лаш, чиқариш фаолияти минтақада яшовчи халқлар алоқаларининг тарихий тар-киб топган шакли эканли-гини, у иқтисодий меҳнат тақсими, табиат ресур-сларининг қандайлиги ва иш-лаб чиқаришнинг иқтисо-лаштиришнинг ҳусусиятла-ри билан боғлиқлигини таъ-кидлаб ўтди. Ўзбекистонда хом ашё ва ишлаб-чиқариш базаси етарли даражада мус-тақам бўлиб, бу ерда ри-вожланган хорижий мамла-катлар билан ўзаро манфа-атли ҳамкорлик учун энди-ликда ҳуқуқий асослар бу-жудга келтирилган. Айт-моқчи, Австрия ишбилар-монларига Ўзбекистон Рес-публикаси Асосий Қонуни ва Қонуи ҳужжатларининг не-мис тилида нашр этилган тўплами топширилди.

Гарбий Европадаги иш-билармонлар учун Ўзе-кистон Республикаси билан ҳамкорлик қилишда имла-лар, аниқсиз, жоизбадир? Ислон Каримов бешта му-ҳим жиҳатга тўхталиб ўтди.

Биринчидан, Ўзбекистон парламенти қабул қилган барча ҳужжатлар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг умум-ий эътироф этган меъё-ларига қўйилган бўлади. Бу эса мустақил республи-канинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли равишда қўшилиш учун кафолатдир.

Иккинчидан, барча қону-ларда иқтисодий муноса-батларни мафқурадан ҳоли қилиш кўзда тутилган. Рес-публикада мулкчиликнинг у ёки бу шаклига инсбатан

гаразли қарашлар йўқ. Кор-хоналарнинг барча турла-ри, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги ҳусу-сий корхоналар учун эркин ва самарали иш олиб бо-риш имкониётлари яратил-ган. Хорижий сармояларни рағбатлантириш тўғрисида қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ хорижий ишбилар-монларга биноларини, имо-ратларини ва машина-ускуна-ларини мулк қилиб, сотиб олиш ҳуқуқи берилган.

Учинчидан, халқаро сав-до-сотиқ — бозорни мол-лар билан тўлдириниш, шунингдек рақобатнинг си-фат жиҳатидан янги дара-жасини юзугудга келтири-шининг бевосита йўлидир.

Шунга асосланиб, респу-бликада халқаро савдо-сотиқ учун шарт-шароитларга эр-кин тус берилган. Ҳусусан четдан маҳсулот келтири-ш учун солиқ бекор қилинган, божхона тўловлари камай-тирилган. Савдо уйлари, фирма магазинлари барпо этиш учун имкон берилган.

Тўртинчидан, хорижий сармоя эгалари учун имти-ёзли солиқ тартиби жорий этилган. Масалан, хорижий сармоя сарфланган корхона дастлабки фойда олиган пайдан бошлаб икки йил-гача солиқ тўлашдан озод қилинади.

Бешинчидан, республика миллий суғурта жамғарма-сини барпо этмоқда, унинг асосий мақсади хорижий сармоя эгаларига кафолат беришдан иборат.

Ислон Каримовнинг бу нуқти Австрия ишбилар-монларига катта қизиқиш уйғотди. Фикрлашув чоғида пахта ва бошқа қишлоқ хў-жалик маҳсулотларини қай-та ишлаш, қишлоқ хўжа-лиқ техникасини ишлаб-чиқариш, тайёр маҳсулотлар чиқариш, қўшма корхона-ларда ишлаш учун мутахас-сислар тайёрлаш каби му-ҳим тармоқларда ҳамкор-лик қилиш мақсада муво-фиқ, деб топилди.

Муҳоама қилинган бир қанча масалалар юзасидан ҳужжатлар имзоланди. Сарфланган сармояларини ўзаро ҳимоя қилиш тўғри-сидаги шартнома ана шун-дай ҳужжатларнинг энг му-ҳимидир.

... Учрашувлар, суҳбат-лар, сафарлар Ўзбекистон Республикаси делегацияси-нинг уч кунлик ташрифи режаларида жуда кўп эди. Меҳмонлар Австрия Рес-публикаси парламентида бўлдилар, улар Вена ҳоқи-минтида қабул қилинди, Австрия императорлари-нинг ёзи боргоҳи Шчен-Бруни қасрини бориб кўр-дилар, жаҳонга машҳур «Филипп» компаниясининг фаолияти билан танишди-лар. Буларнинг ҳаммаси ташрифнинг аниқ рноя этилган тартибда кўзда ту-тилган эди. Лекин, чамаси энг муҳими шундаки, ба-даллаб ва гуллаб-яшнаётган Австриядаги барча муста-қил республика билан ўза-ро манфаатли асосда ҳам-корлик қилиш фойдали ва истиқболли эканлиги тушу-нилар.

Ш. ЯХСОВ,
Л. ЛЕВИН.
(УА).

ШУ СОНГА ХАВАР

ТОШКЕНТДАН УРИМЧИГА — ПОЕЗДА!

25 сентябрь кунини Тош-кентдан Хитойнинг Шин-жонг-Уйгур мухтор ноҳияси маркази — Уримчиға мун-тазам темир йўл қатнови

бошланади. Хар ҳафта жу-ма кунлари республика пой-тахтининг марказий вокзал-дан йўловчиларни тўпа-тўғри Хитой Халқ Респуб-

ликасига олиб борадиган ик-тисод вагон йўлга чиқади.

Республикамизнинг минг-лаб аҳолиси бу воқеани ор-зинчи кутган эди. Чунки Шинжонг-Уйгур мухтор но-ҳиясида кўпгина Ўзбекис-тонликларнинг қаридаш-лари ва дўстлари яшайди-

лар. Савдо-сотиқнинг ва сай-хатчиликнинг кенг миқёсда ривожланиши ҳам кўпдан-кўп ишбилармонлар ва сай-хатларни Уримчиға боришга қизиқтиради.

Жума кунлари вагонлар Москва вақти билан 8.45 минутда жўнайди. Мустақил

Давлатлар Ҳамдўстлигининг фуқаролари учун чинта ха-қи — 17,5 АҚШ доллари ва 2228 сўм, чет эл фуқаро-лари учун 22,5 доллар ва 1728 сўм. Вагонлар Олма-ота орқали ўтади.

(УЗА мухбири).

ХИРМОНГА БАРАКА!

КУНИ кеча Пискент райо-ни меҳнатчилари ҳам даст-лабки ҳосилини пахта қабул қилиш пунктларига топшир-дилар. Мана шу муносабат билан шаҳар марказида тан-таналар бўлиб ўтди. Район ҳокими Абдусамат Носиров янги пахта йиғим терими мавсуми бошланаётганлиги билан деҳқонларнинг самимий табриклар, ҳосилга барака тилади. Оқунобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муносиб Авазов, рай-он пахта тозалаш заводи

Самадовлар сўзга чиқиб рай-он аҳолисини етиштирилган ҳосилини ёғин-сочини кун-ларга қолдирмасдан қисқа фурсатларда йиғиб-териб олишга даъват этдилар. Тан-таналарда вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев иштирок этди.

Шу кунини район пахта то-залаш заводида дастлабки 200 тонна ҳосил топширил-ди.

Т. ИБРОҲИМОВ.

Суратда: Пискентда даст-лабки пахта қарвини.



● ПАХТА йиғим-терими мавсумининг уюшқоқ-лиги пунктларининг қай даражада шайлигига ҳам боғлиқ. Бу жиҳатдан олганда Ўртачирчиқ райо-нидаги Чигирчиқ пахта пункти жамоасининг иш диққатга сазовор. Хирмон уювчилар ҳар йили рес-публика кўригига биринчилиكنи эгаллаб пул му-кофотларини қўлга киритиб келишмоқда. Бу йил ишчилар май ойидаёқ пунктни пахта қабул қилиш-га тахт қилиб қўйдилар. «Биз мавсумда Акмал Икромов номли, «Ҳақиқат» жамоа хўжаликларидан 7,5 минг тонна ҳосилини қабул қиламиз,—дей-ди пункт директори Болтабой Иброҳимов,— бу-нинг учун барча шарт-шароитлар муҳайё этил-ган».

Суратда: пункт директори Б. Иброҳимов ишчи-лар билан мулоқотда.

Суратқаш А. ТУРАЕВ.

ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ЖАМҒАРМА

Ўзбекистонга чорак аср мобайнида раҳбарлик қилган Шароф Рашидов атоқли адиб ва катта давлат арбоби си-фатида бутун Шарққа танилган эди. Қайта қуриш «қата-ғони» йилларида унинг номини ҳеч бир асосиз равишда қоралашга уриндилар. Ўзбекистон республикаси Прези-дентини И. А. Каримовнинг қатъияти туфайли Ш. Раши-довнинг 75 йиллигини муносиб тарада нишонлаш юзасидан ҳукумат комиссияси тузилди. Кўпдан-кўп меҳ-нат жамоалари ва таниқли кишиларнинг хоҳиш-истагинга қўра комиссия қарорига биноан республикада Ш. Раши-дов номли жамғарма ташкил этилди.

Жамғарма Низоининг рўйхатга олган Ўзбек Адлия ва-зирлиги гувоҳномасида шундай қайд этилади: Шароф Ра-шидов номли жамғарманинг мақсади Ўзбекистонда илму мадиратини ривожлантириш, умуминсоний қадриятлари-ни тиклаш, иқтисодий ёшларни тарбиялаш ва рағбатлан-тириш, фан-техника, маданиятнинг тараққиёт этиришдан иборат. Табиат муҳофазаси, тарихий, маданий ёдгорли-ларининг асраш, адабиёт-санъат вакиллари муносиб

даражада рағбатлантириш, жаҳоний фан ва амалиёт уювчиларини жорий қилиш, бой маданий меросимизни тад-қиқ этиш, пешадама ўқувчи ва талабаларга моддий ёр-дам бериш, замонавий билим масканлари очиб каби тадбирлар ўтказилади.

Ш. Рашидов жамғарма очиб тусдаги жамоат ташкило-ти бўлиб, ошқора фаолият кўрсатади. Унга саналган на-зифаларини бажаришга ҳисса қўлиш истиғиди бўлган, бу сазоватли тадбирларни Шароф Рашидов номлидан амалга ошириш, муқддасига қўшилган барча корхоналар, ҳўна-лислар, ташкилотлар, янги тузилган иқтисодий — бирик-маларнинг моҳият жамоалари, барча фуқаролар ҳайрин йўсинида ҳисса қўлишлари мумкин.

Жамғарманинг банк ҳисоби: сўмлар учун — Ўзбекис-тон Республикаси марказий банки Тошкент шаҳар опе-рация бошқармасининг ҳисоб марказида рақамин 000700825, код рақамин 172682116; валютга учун — Ўз-бекистон Республикаси таққи иқтисодий фаолият банк-ида рақамин (93780080) 001.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1993 йил учун обуна давом этмоқда. Сиз сезимли ва қадрдон газетангизни янги йилнинг 1 яна-ридан мунтазам ўқишни истасангиз шу кунларда алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига келинг. Алоқа бўлимла-ри ходимлари, матбуот тарқатувчилар Сиз-ларга обунани расмийлаштиришда ёрдам беришади.

Шуни унутмангки, «Тошкент ҳақиқати»

дўконларга чекланган миқдорда чиқади, уни сотиб олиш қийин. Бунинг устига газета обунанига сотувдагига қараганда анча ар-зонга тушади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 366 сўм 80 тийин. Олти ойга — 183 сўм 30 тийин, уч ойга — 91 сўм 65 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» индекси — 64672.

